

ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ

1991 йил 20 сентябрь

ЖУМА

№ 185 (5.228).

ШАҲОСИ ВА ТИНИН

КУНДАЛИК ИЖТИМОЙ -
СИЁСII РЎЗНОМА

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

ПАХТАЗОРДАН ХАБАРЛАР

РАҒБАТНИНГ ҚУДРАТИ

Инсон кўнгли жуда но-
зик, дейишади. Кўнгли
қўтарилган жойда ҳар муш-
кулот осон бўлади, ғайрат-
гайрат қўшилиди, иш тезла-
шади. Шу нуқтаи назардан
доно қарияларимиздан иб-
рат олмақ фарз. Улар кўн-
гли қўтаришда, кишини ра-
ғбатлантиришда ўта саҳий.
Ҳаммамизга маълум бўлган
бир одатларини айтмай. Ёш-
гина йигит тўйга нелайтган-
ларнинг қўлларига сув қуй-
моқда. Кимдир «раҳмат!»
дейди. Бошқаси «баракат!»
деб миннатдорчилик
билдиради. Яна бири инда-
май кетаверибди. Кўпни кўр-
ган, доно қариялар эса:
«балли, аянг», «Отангизга
раҳмат, Тупроқ олсангиз ол-
тин бўлсин», «Ниятингизга
етинг», дея дуо қилишади.
Бундай ширинсуханликдан
ҳар қандай одамнинг кўнгли
қўтарилди, ғайрати жўша-
ди.

Этибор қилган бўлсангиз
оддий гаплар билан руҳингиз
қўтарилди, дилнингиз
равшанлашди, сизга топши-
рилган ишни қўтилганидан
зиёда бажаришга интиласиз.
Рағбатлантиришнинг инсон
қалбига таъсири жуда кат-
та. Айрим раҳбарлар борки,
қўл остида ишлайётган ки-
шининг зарардек меҳнатини
тоғдай қилиб кўрсатади. Бу
жойда муволаҳа эмас, катта
тарбия бор. Қўчуқ ахлоқий
нўттан назар бари урмо-
рибди. Айримлари эса да-
кидан бошқасини билмайдн.
Бундай ҳолда емирилиш
кураш қолди. Ваъзилари
эса рағбатлантирмайди ҳам,
даки ҳам бермайди. Бун-
дай лоқайдликда ажал бор.
Инсонни қўлатувчи кўри-
мас шамшир яширингандир.
Дарҳақиқат, шундай фикр
нега ҳаёлимизга келди. Кўн-
ли кеча вилоят рўзномасида
иккинчи хўшхабарни ўқиди-
му ич-ичидан севишим.
Уларда Жалолқудуқ ва Мар-
ҳамат районлари ҳақида
хўшхабар келинганди. Қўруқ
ура-урадан амалий ишга
ўтилайтганимиз ҳис этдим.

Жалолқудуқ райондаги
хўжалик бошқаруви ҳайъати
шундай қарор қабул қилиб-
ди: бир кунда 5 тонна пахта
терган механизаторга 10 сўм,
10 тонна терганга 25 сўм
мукофот берилади. Бир кун-
да 15 тонна пахта ташиган
транспорт ҳайдовчиси 10 сўм,
20 тоннага етказса 15 сўм
пул билан рағбатлантирилади.
Шунингдек, хўжаликда
биринчи бўлиб йиллик пах-
та тайёрлаш режасини адо-
этган бригада 500 сўм, ик-
кинчи бўлиб адо этганлар
300 сўм, учинчи ўринни
эгаллаганлар 150 сўм пул
мукофоти билан тақдирлана-
ди. Мавсумда энг кўп
пахта терган механизатор-
га эса 300 сўм мукофот
берилади. Буларнинг ҳамма-
си хўжаликнинг ички имко-
ниятидан келиб чиқилган ҳол-
да белгиланган.

Марҳамат райондаги «Ан-
дижон 50 йиллиги» давлат
хўжалигида эса белгилан-
ган мукофотлар миқдори
янада юқори. Йил охирида
энг яхши кўрсаткичга эриш-
ган бригадага 800 сўм, ик-
кинчи ўринга 500 сўм ва
учинчи ўринга 300 сўм, ма-
всумда энг кўп пахта териш-
га эришган механизаторга
300 сўм, иккинчи ўринга
200 сўм, учинчи ўринга эса
100 сўм пул мукофотлари
ажратилди. Илгори
мана шу тарада рағбатлан-
тириш вилоятдаги барча
хўжаликларда қатъий тад-
бир сифатида белгилаб қў-
йилди.

Бугина эмас, рағбатланти-
ришнинг бошқа усуллари
ҳам қўлланиладики, бу те-
римчиларнинг ғайратига
гайрат қўшмоқда. Кўминг-
килограммчилар, энг тоза
пахта терган теримчилар,
намунали ишлаган мавсумий
боғчаларнинг тарбиячилари,
ошпазлар, юқори ҳосил
олишга эришган яхсарчилар
учун ҳам мукофотлар бел-
гиланди. Уларнинг бир қис-
ми нақд пул ва бир қисми

намёб саноат маҳсулотлари,
хўжалик молларидан ибо-
рат. Харажатни қамайтир-
ган, йўл ҳаракатини бузма-
ган транспорт ҳайдовчилари,
хирмонини саранжом-са-
ришта тутган пахта қури-
тувчилар, пайнални ҳосил-
дан барвақт бўшатган те-
римчилар ҳам мукофотдан
четда қолмайдилар.

Бу тадбирнинг кишига
таскин берадиган томони
шундаки, бундай рағбатлан-
тириш пахта йигим-терими-
га зўр бериш учун қилина-
ётган тарбия-ташвиқот
этамас. Бу — озгина бўлса
ҳам теримда ибрат кўрсат-
ганлар меҳнатини ҳалол тан
олиш, одил баҳолаш сари
қўйилган дастлабки қадам-
дир. Бу мукофотлар қорозда
қолиб кетадиган марзи лўч
шорлар эмас. Чунки бу
рағбатлантириш ҳаммага
маълум қилинган. Яна бир
нарсадан қўнғил тўқни, бу-
гунги одамлар маъмуллик-
дан аниқлик, рағбозликдан
ишчанлик сари интилайтир.
Улар ваъдабозликни энди
кечиримайди.

Андижон вилоят хўжалик-
ларида пахта йигим-терими
уюшқонлик билан бошлан-
ган экан, унинг ишончли за-
мини бор, албатта. Илгори-
ларни рағбатлантиришнинг
турли усуллари қўлланила-
ётгани ана шунлардан бири-
дир. Бунинг аҳамиятини ҳис
этиш қийин эмас. Чунки,
рағбат ҳар қандай кишига
гайрат бағишлайди. Кўнгли
қўтарилган одам яхши иш-
лашга интилади. Бугунги
меҳнатнинг баҳосини кўр-
ган киши эртага руҳий кў-
таринлик билан олдинга
интилади. Андижонда пахта
йигим-теримида иштирок
этаётганларнинг ҳаракатла-
ри тўғри тақдирланаётган
экан, режа қанчалик юқори
бўлмасин, унинг адо этили-
шига шубҳа йўқ.

А. ҚОРАБОВЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мух-
бири.

Эқуб Солиев алоҳида гайрат
кўрсатди. Жамоа йигим-
теримга пухта тайёрларлик
билан киришди. Азаматлар
ҳар гектар ердан 40 цент-
нердан оқ олтин йиғишти-
риб олишга бел боғлашган.
А. ХОЛМИРЗАЕВ.

Олтириқ райондаги
«Пахтабод» жамоа хўжали-
гининг Самжон Ҳамроев
бошлиқ деҳқончилик уюш-
часига қарашли Деҳқонбой
Бахтиёров ижарачи зеноси
пахтакорларни йиллик мар-
рани эгалладилар. 13 гек-
тар ердан биринчи теримда-
ёқ 34 тонна сифатли хом
ашё йиғиштириб олинди.
Таъкидлаш кераки, унинг
ҳаммаси уруғлик учун то-
ширилди. Улар нафақат ра-
йонда, балки Фарғона ви-
лоятида ҳам илгорилар қато-
рида шартнома топиригини
и бажардилар.

Игним-терим қизиган да-
вом этирилимоқда. Сорахон
Самиднаимова, Аванозила
Абдуллаева ва б.ч. чеварлар
кунлик топиригини 2—2,5
хисса адо этмоқдалар.

А. ТУХТАСИНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мух-
бири.

СУРАТДА: илгор теримчилар
С. Самиднаимова (чапда) ва А.
Абдуллаева.

М. САГИНОВ
олган сурат.



Сиз суратда кўриб турган Манзура Бозорова Учқўр-
гон райондаги Ленин номи жамоа хўжалигида меҳнат
қилади. У айни кезларда кўмингкилограммчилар ҳара-
ката қўшилиб, пахта йигим-теримида илгорилик қилаётир.
Ҳар кун хирмонга 200—210 килограмдан оқ олтин те-
риб қўймоқда. Хўжаликда унга ўлжаганлар қўллаб то-
пилади. Пахтакорлар бу йил жами 1000 гектар май-
донда яхши ҳосил етиштирдилар. Мақсад — гектари-
дан 32 центнер ўринга 40 центнердан хом ашё йиғи-
тириб олиш. Механизаторлар ялпи ҳосилнинг 90 фон-
зини машиналар ёрдамида саранжомлаб беришни кўз-
лашайпти. Ҳозирча қўл терим қизилмоқда.
Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА БИРИНЧИ

ЭЛИҚАЛҒА. (Жамоат-
чи мухбир А. Искандаровдан
телефон орқали олинди).
«Ўзбекистон Компартияси
50 йиллиги» давлат хўжали-
ги-техникумдан Гулбаҳор
Ўйдовлева оилавий зеноси
заршунослари Қорақалпо-
ғистонда биринчи бўлиб
дастлабки доводдан ошди-
лар. Ўн икки гектар майдон-
дан жами 29 тонна аёло
навли хом ашё саранжом-
лаб олинди. Ҳосилдорлик
гектар бошига 24 центнерни
ташкил этди. Ялпи хирмон
зангори кемалар ёрдамида
бунёд этилди. Моҳир ме-
ханизаторлар Худойберган Эр-
назаров, Янгйбой Ўйдовшев,
Абдурахим Нуриметов жа-
моа ютуғига салмоқли улуш
қўшдилар.

Хўжаликнинг Шермат
Нуриметов бошлиқ брига-
дасида мазкур звенондан
ташқари яна 11 та пулратчи
оила фаоллиги кўрсатмоқда.
Уларда ҳам мавсум қизити-
лапти. Бригада йигим-те-
рим баҳсида ҳаммадан ол-
динда бормоқда. Пахтакор-
лар 63 гектар майдоннинг
ҳар гектаридан 25 центнер-
дан оқ олтин йиғиштириб
олишга азму қарор қилиш-
ган.

ҚАРОРИМИЗ КАТЪИЙ

Маълумки, бу йил об-
да ҳам шароити оғир келди.
Начора! Пахтакор табиат ин-
жиқликларига жуда кўп рў-
барў бўлган. Бизнинг жамоа
етақчимиз И. Шарофидди-
нов 35 йилдан буюн бригада-
га бошчилик қилади. Ми-
ришкорнинг кўп йиллик
тажрибаси ва ишбилармон-

лиги туфайли амалдаги йил-
да ҳам мўл ҳосил тўплашга
муваффақ бўлди.
Иш осон кўчади, албат-
та. Айниқса, сувчиларнинг
Адаш Умеров ва Жуманазар
Ўйдовшевлар туну кун
ғўзага сув тарадилар. Куль-
тивация ва чопиқ ишлари
ҳам сифатли олиб борилади.

Свердлов, Бухоро, Қогон
районларида ҳам бу тадбир
жадал олиб боришмоқда.
Айни чоғда кўсанлар ялпи
очилганига қарамай Вобект
райондаги «Ленинград»,
Энгельс номи, «Комму-
низм», Ёғдудон районини
«Ленинизм», «Пахта-
бод», «Гулистон», Калинин
номи, Қорақўл районини
Ленин номи, «Бухоро»,
«Коммунизм», Олот райони-
даги Навоий номи, Эн-
гельс номи, «Ленинград»
жамоа ва «Амударё» давлат
хўжаликларидан ўтган йил-
ларда бўлганидан ғўза бар-
гларини тўкиш ва машина
теримига тайёрларликда су-
стакли қилинмоқда.

Олот районини Ленин
номи, Қорақўл районини
«Москва» жамоа хўжалик-
ларида ғўза баргини тўкиш-
да дроп дорисининг миқдо-
ри тавсия қилинган 400
грамм ўринга гектарига 800
граммга етказилган. Оқи-

батда ортинча харажатга йўл
қўйилмоқда. Самара бўлма-
япти.
Навбаҳор, Навоий, Шо-
фиркон, Пешку районларида
ги хўжаликларда ғўза бар-
гини тўкиш ва пахтани ма-
шинада теришга етарли
этибор берилмаётти.
Сентябрнинг дастлабки ўн
кунлигида ҳарорат юқори
бўлганлиги туфайли вилоят-
да ҳосил ўтган йилга нисба-
тан бирмунча эртароқ етил-
ди. Шу боис йигим-терим
муддатларини қўлдан бой
бермаслик керак. Вилоят
пахтакорлари мавжуд им-
кониятдан оқилона фойда-
ланишга, октябрнинг иккин-
чи ўн кунлигида пахта териш
режасини удалашлари мум-
кин.

Р. НАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
қишлоқ хўжалиги вазирли-
ги пахтачилик бошқармаси
бошлиғи.

ЧЕВАРЛАР БАҲСИ

ҚАШҚАДАРЕ. Вилоят-
да пахта йигим-теримида кў-
мингкилограммчилар ҳара-
кати кенг қўлаб ёймоқда.
Йойларда мавсумнинг йи-
гини ноилари пайдо бўлаёт-
ти. Усмон Юсулов райони-
дан 28-дават хўжалигидан
Зулфия Сафоева бир кунда
190 килограмм дур териб
хирмонга тўқди. Унинг жа-
ми пахтаси 3 минг кило-
граммдан ошди. Шу райо-
ндаги 34-дават хўжалигидан
Баҳри Эшмуродова 197 ки-
лограммга оқ олтин терди.
Бундай дала юлдузларини
бошқа хўжаликларда ҳам
қўллаб учратиш мумкин. Ва-
хористон районидан 29-
дават хўжалигидан Ҳай-
рулло Гулова, Карима Ҳўжа-
муродова, Қамали Район-
даги Калинин номи жамоа
хўжалигидан Ойбахор Қа-
ҳоров, Қарши районидан
Акмал Иброилов номи дав-
лат хўжалигидан Мусаллам
Расулова ғўза беллашуда
да илгорилик қилмоқдалар.
Улар кунига 140—200 ки-
лограммдан оқ олтин тери-
шга эришишмоқда.

И. АМИРҚУЛОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мух-
бири.

Ҳозир даладарда йигим-
терим авжида. 107 гектар
майдондаги ғўзалар қийос
олиб, барчани далага чо-
рламоқда. Биз режадаги 26,5
центнер ўринга гектаридан
салкам 33 центнердан хир-
мон тиклаб, Қуйишев номи
жамоа хўжалигидан
маррага биринчи бўлиб етиб
келिशга қарор қилганимиз.

М. БЕКМИРЗАЕВ,
Ворошилов район Кенга-
шининг депутаты.

Республика Президенти хузурида суҳбат

Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. А. Каримов
Тошкентдаги минтақа учра-
шувида иштирок этаётган
Ўрта Осиё республикалари
ва Қозғистон қасаба уюш-
малари марказлари делега-
цияларининг раҳбарларини
18 сентябрь кунин қабул
қилди.

Мамлакатдаги сиёсий ва
иқтисодий вазият, янги ша-
роитда Ўзбекистоннинг та-
раққиёт йўллари ҳақида
рўй-рост гаплашиб олинди.
Республика раҳбариятининг
мақсади — тоталитар реж-
мига қайтиш эмас, балки де-
мократия ва ошқораликни
ривожлантириш, миллий то-
тувликни мустаҳкамлаш,
барча соғлом кучларни
жипслаштириш, меҳнаткаш
инсон тўғрисида гамхўр-
лик қилиш эканлиги таъ-
кидланди. Одамларни ик-
тимой-иқтисодий жиҳатдан
ҳимоя қилиш масалалари
ни аниқ-равшан ҳал этиш
талаб қилинаётган ҳозирги
қийин шароитда қасаба
уюшмалари зиммасига катта
вазифа юкланади. Улар
меҳнаткашларни умумий
меҳнат қилишга сафарбар
этишлари лозим.

Дўст бўлиб яшаш учун
миллатлараро муносабат-
ларни бутун чоралар билан
мустаҳкамлаш ва ривожлан-
тириш зарур. Меҳнаткаш-
лар истеъмол боджетининг
энг кам миқдорини белги-
лашда ҳам қасаба уюшма-
ларининг этибори талаб
этилади.

Тарих тақозоси билан
Ўрта Осиё республикалари
ва Қозғистоннинг муштарак
жиҳатлари кўп. Ўз-
бекистонда шонр ва мута-
факкир Алишер Навоий
юбилейини тантанали ни-
шонлашга тайёрларлик қў-
рилмоқда. Алишер Навоий
таваллудининг 550 йилли-
гига бағишланган тадбирлар
Ўрта Осиёдаги бошқа рес-
публикаларда ҳам бўлиб ўт-
ди.

Қасаба уюшмалари бир-
лашмалари раҳбарларининг
Тошкентдаги учрашуви ик-
тисодий ва ижтимоий ва-
зифаларни ҳал этишда қаса-
ба уюшмаларининг куч-
гайратларини жипслашти-
ришга имкон беради.

Суҳбатда СССР қасаба
уюшмалари умумий кон-
федерациясининг раиси
В. П. Шербаков, Ўзбеки-
стон қасаба уюшмалари фе-
дерацияси кенгашининг ра-
иси Б. А. Алламуродов, Қо-
зғистон қасаба уюшмалари
федерацияси кенгаши-
нинг раиси Э. М. Жакселе-
ков, Қирғизистон қасаба
уюшмалари федерацияси
кенгашининг раиси Э. А.
Абакиров, Тожикистон қаса-
ба уюшмалари федера-
цияси кенгашининг раиси
М. С. Солиқов, Туркменис-
тон қасаба уюшмалари фе-
дерацияси кенгаши раиси-
нинг ўринбосари К. А. Очи-
лов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг
қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҲЛАР
АКАДЕМИЯСИНИНГ АДАБИЁТ
ИЛМҲОҲИГА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИНИ
БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек адабиётининг асосчиси, буюк олим, мутафаккир
ва давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 550 йил-
лиги муносабати билан, республика жамоатчилиги хоҳи-
шларини инобатга олиб Вазирлар Маҳкамаси қарор
қилади:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ада-
биёт илмҲоҳига Алишер Навоий номи берилсин.
Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

18 сентябрь кунин Тошкент-
да Ўзбекистон Республикаси
Президенти И. А. Каримов
журналистлар билан суҳбат-
лашди. Унда Американинг
«Ассошиейтед пресс» ахборот
бошқармаси материалларида
баён қилинган воқеаларни
«Известия» рўзномаси бу-
зиб кўрсатганлиги ҳақида га-
пирлиди.

Суҳбатда республика ва
марказий рўзномаларнинг

вакиллари, оммавий-ахборот
ушунталарининг раҳбарлари,
шунингдек «Вашингтон пост»
газетасининг мухбири Джеймс
Рупер билан «Озодлик» рад-
иостанциясининг мухбири
Тоҳир Умаров иштирок этди-
лар.

(Журналистлар билан суҳбат
тўғрисидаги ҳисобот маъбуот-
да эълон қилинади).

(ЎзТАГ).

ФИКРЛАШИБ ОЛИНДИ

18 сентябрь кунин Ш. М.
Ўйдовшев раислигида Ўзе-
кистон Компартияси фав-
култода XXIII съезди томо-
нидан тузилган партия дасту-
ри лойиҳасини тайёрлаш
комиссиясининг мажлиси
бўлди. Ўзбекистон Халқ Де-
мократик партияси — пар-
ламент тусидаги партия
одамларни ўзига эргаштира
олиши, халқнинг ташаббуси
ва иқдорлигини, унинг
барча вакиллариининг иро-
даси ва интилишларини жа-
малайдиган нуфузли фаол
ташкилот бўлиб қоллиши
учун унинг дастури қандай
бўлиши кераклиги ҳақида
кенг фикрлашиб олинди.
Комиссия аъзолари шу му-

ҳим ҳўнжат лойиҳасининг
бўлимларини тайёрлашда са-
марали ва уюмли ишни
ташкил этиш учун вазифа-
ларини ўзаро тақсимлаб олди-
лар.

Шу кунин Ўзбекистон Халқ
Демократик партияси Уста-
ви лойиҳасини тайёрлаш ко-
миссиясининг мажлиси бўл-
ди. Мажлисини Ш. Н. Мах-
мудова бошқариб борди.

Комиссиялар республи-
кадаги бир қанча партия ко-
митетларининг янгиланган
партиянинг Дастури ва Уста-
ви муқобил вариантларини
кенг жамоатчилик иштиро-
кида тайёрлашга доир таша-
бусини қўллаб-қувватлади.

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИҚ

Охунбобоев райондаги
«Намуна» жамоа хўжалиги,
да новослар тез семир-
моқда. Сигирлардан эса
мўл сут олинмоқда. Йил
охиригача ҳар сигирдан
3100 килограмм сут соғиб
олиш мўлжалланмоқда.

Жамоа хўжалиги ем-хашак
етиштирувчилари ферма иш-
идаги ана шундай барқарор
ликин таъминламоқдалар.
Улар бедани беш марта
ўриб олдилар ва табиий ў-
ларини ўриб гамлашни да-
вом эттирмоқдалар. Қўқ ў-
ннинг бир қисми шу заҳоти
озуқа цехига юборилди.
Бу ерда ундан сигирларга
тўйимли озуқа тайёрланади.

Операторлар ем тайёрлаш-
да илмий жиҳатдан асослан-
ган тавсияларга риоя этиш-
ида алоҳида этибор бериш-
моқда.
Хўжаликда қишлоқда қиз-
гин тайёрларлик қўрилати,
молхоналар ремонт қилин-
моқда, механиклар моллар-
га озуқа тарқатадиган ва
биологлар тозалайдиган
техникани созлашяпти. Жа-
моа хўжалигини қўришли-
лари бу ерда яловчиларнинг
шахсий фермаларини ҳам
этибордан четда қолди-
ришмайпти, чунки улар ҳам
чорвачилик маҳсулотлари
етиштиришда баракали ҳис-
са қўшимоқда.

(ЎзТАГ).

ИЖАРАЧИЛАР ЮТУҒИ



КУЗНИНГ ҲАР ОНИ ҒАНИМАТ

Қорақўл райондаги Ки-
ров номи жамоа хўжали-
гининг Юсуф Галоев бошлиқ
бригадаси Бухоро вилоятида
биринчи бўлиб пахтани ма-
шинада теришга киришди.
Август охирида бу ерда
юқори ҳосилли Бухоро-6
нави кўчатларида 2—3 кў-
сак очилгач, дроп дефоли-
анти билан ғўзанинг барги
тўқилди.

— Натика кутилганидан
зиёда бўлди, — дейди бри-
гадир. — Бизга бу дефо-
лиант иссиқни ёқтиришини
ва унинг таъсири секин бў-
либ, 15—18 кунга қўзили-
шини айтишганди. Шунинг
учун 72 гектарнинг 35 гек-
тарига ишлов беришни би-
ринчи сентябрда тутатдик. 15
сентябрда келиб, машина
теримини бошлашга қўз

тикан эдик. Лекин, қаранг,
яна куттишга ҳожат борми?
— дейди Юсуф ана барглар
тўқилган ва ғўзалар ёпи-
ласига очилган далага иш-
ора қилиб. — Аҳволни ҳисоб-
га олиб дефолиациядан ати-
ги 12 кун ўтгач, машина
теримини бошлаб юбордик.
Афтидан, сентябрнинг даст-
лабки ўн кунин иссиқ кел-
гани учун барча жараёнлар
тезлашган.

Ҳароратнинг юқори бўл-
ганини туфайли вилоятнинг
барча ерида пахтанинг оч-
илиш тезлашди. Қизилтепа,
Ёғдудон, Қорақўл ва бош-
қа районларнинг аксарият
хўжаликлариде кўсанларнинг
деярли 80 фоизи очилди.

Натикада ўша районларда
ҳар бир теримчи ўртача ку-

нига 135—140 килограммдан
ҳосил йиғиштиришмоқда.
Қизилтепа районидеги
«Ўртачўл юлдузи» давлат
хўжалигининг Фахриддин
Назаров етакчилиги қилаёт-
ган бригадаси Бухоро ви-
лоятида биринчилардан оқ
олтин тайёрлаш режасини
уддалади. Шу кунгача 60
тоннага яқин ҳосил топи-
рилди. «Зарбдор» давлат
хўжалигидаги Мўрдалло Ду-
шанов бошлиқ бригада ҳам
кўзланган маррага яқин-
лашмоқда.

Номилар тилга олинган
давлат хўжаликлари, шу-
нингдек «Бўстон» ва «Мос-
ква»

САНОАТ НЕГИЗИДАГИ ПАРРАНДАЧИЛИК

«Узптицепром» бирлашмаси корхоналари ва хўжаликларининг жамоалари маҳсулотни жадал кўпайтириш

чораларини кўрмоқдалар.

ҲАММАСИ МЕҲНАТГА БОҒЛИҚ

Бирлашма раисининг ўринбосари
Болтабой ҲАҚНАЗАРОВ ҳикоя қилади

ган бўлсада, бир қатор фабрикалар қолоқликка йўл қўйди. Жумладан, Тошкент вилоятидаги «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси раисдан 8 миллион донга кам тухум етказиб берди.

«Узптицепром» бошқарувининг паррандачилик хўжаликлари мутахассислари ва раҳбарлари чиптироқдаги кенгайтирилган йилда биринчи ярим йилдаги ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти пухта таҳлил қилинди. Асосий эътибор вужудга келган аҳолининг туз есабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқишга қаратилди. Жойлардан келган вакиллар ўз нуқсонларини эътироф қилган ҳолда, заводлардан олинадиган озуқанинг (таъминотчи—Ўзбекистон дон маҳсулотлари вазирлиги корхоналари) сифатсиз эканлигини, гўшга кўча боқадиган фабрикалар учун тухумлар етишмаслиги, деярли ҳамма жойда ишлаб чиқаришни таъмирлаш ва янгилаш кечикаётганлигини таъкидлашди.

Шундай далиллари келтириб ўтаман. 1991 йилнинг биринчи ярмида 464 минг тонна озуқа эҳтиёж бўлгани ҳолда 418,7 минг тонна ажратилди. Амалда эса 374,7 минг тонна озуқа олинди. Лекин бу емининг ҳам 16 фоизи қорамоллар ва чўчалар учун мўлжалланган озуқадир. Холбуки бунга йўл қўйиб бўлмайди. Етказиб берилмаган озуқа тармоқ паррандачилик хўжаликларининг 20 кунлик эҳтиёжини ташкил этади. Бу 73 миллион донга тухум ва 3,6 минг тонна гўшт кам етиштирилишига олиб келди.

Олинадиган озуқанинг тўйимлиги жуда паст, у фабрикаларда бойитилганидан сўнг ҳам маҳсулдорлигини таъминлай олмапти. Ваҳоланки, озуқани тўйимли қилишга 18 миллион сўм сарфлаганимиз, бу маҳсулотнинг таннарига салбий таъсир қилмоқда.

«Узптицепром» ўз корхона ва ташкилотлари ишторонда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот сифатини ошириш тадбирларини белгиледи. 1993 йилга бориб гўшт етиштириш 135 минг тоннага, тухум етиштириш 1750 миллион донгага етказиб режалаштирилди. Бунинг учун маҳсулдорларни қатъий бартараф этиб, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишимиз керак. Бу йўлда хорижий ширкатлар билан ҳам кенг ҳамкорлик қилиш ниятидамыз.

ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Ўн йилдирки, Сирдарё вилоятидаги бройлер паррандачилик фабрикаси қолоқлар сафидир. «Чулқувар» номи бу хўжалик лойиҳага кўра ҳар йили 3 миллион бош парранда ёки 3,9 минг тонна пархез маҳсулот етказиб бериши керак. Амалда эса маҳсулот икки ҳисса кам етиштирилиб келинди. Бу ночор аҳолининг боиси нимада?

Бу саволга фабрика бош зоотехниги Ф. Бозоров шундай жавоб қилди:

— Ҳа, фабрика ярим қувват билан ишлапти. Мен бу ерда янги одамман. Икки паррандачилик фабрикасини таққослаш имконига эгаман. Гап шундаки, мен Нукус паррандачилик фабрикасида шу лавозимда ишлаганимда хўжалик қаддини ростлаб олди. У ёқда ҳамма иш кўнгилдагидек йўлга қўйилган эди. Бу ерда эса 54 товухонадан ярмидан кўпроги ишлапти, холос. 13 ишлаб чиқариш цехи умуман маҳсулот бермапти, чунки жиҳозланмаган.

— Ускуналар сотиб олинса, улар ишга тушиши мумкинми?

— Афсуски, 13 бино деворлари ночор ҳолатга келиб қолган. Бинобарин уларни пухта таъмирлаш керак. Бунинг учун ўн миляб сўм маблағ зарур, лекин фабрикада бундай пул йўқ.

— 1991 йилнинг биринчи ярмида фабрикада яна раҳбарлар, мутахассислар алмашди. Янги келганлар ишда бурилиш ясай олармикан?

— Ҳозир фабрика малакали ходимларга эга. Улар муаммоларни ҳал қилиш лавозини кўрсатишди. Биз истиқболни кўзлаб иш юритяпмиз. Шу боис фабрика иккинчи ярим йилдаги маҳсулотни уч ҳисса кўп етиштиришига ишончим комил.

— Бутун тармоққа хос бўлган муаммолар бу корхонадан ҳам четлаб ўтмаган бўлса керак?

— Ҳа, шундай. Лекин ҳозир муаммоларни ҳал этишда «Узптицепром» ёрдам қилапти. Вилоят ташкилотлари ҳам четда қолмагани йўқ. Маҳаллий бюджетдан фабрикага 1.200 минг сўм ажратилди.

И. КРАМОВ.



СУРАТДА: Голландиянинг «Мейн» фирмаси вакили Жеффри Коплинс. У Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси сўйиш цехи электр ускуналарини сошлашда фаоллик кўрсатмоқда.

ТАДБИРКОРЛИК

«Узптицепром» халқаро алоқаларининг дастлабки амалий натижаларини Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимлари ҳис этдилар. Икки йил илгари Голландиянинг «Мейн» ширкати етказиб берган паррандаларини сўйиб-тозалаш қурilmаси ишга туширилган эди. Бизда ўша ширкатнинг парранда гўштидан саккиз хил ярим тайёр маҳсулот тайёрлайдиган қурilmаси ўрнатилган. Бу иш сифатига юқий таъсир қилди.

Энди Американинг «Агрита» интернейшнл инк ширкати билан ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Ширкат президенти жаноб Хансхофф яқинда таъриф буюриб, ҳамкорликда корхона тузиш тақлиф этди. «Узптицепром» билан шартнома имзолаб, бундай корхона жумҳуриятимизнинг тўртта паррандачилик хўжалигиде таъмин этиладиган бўлди. Ўзбекистон ҳукумати хорижий ширкати кафолат берди. Қўшма корхоналар қурилишига жумҳуриятимиз 5,2 миллион доллар, хорижий фирма 5 миллион доллар қўшади. Техник-иқтисодий ҳисоб-хитобларга қараганда ҳамкорликка киришган тўртта паррандачилик хўжалиги ишлаб чиқаришни янгилан тўғрйи 3—4 йил ичиде маҳсулотни икки баравар ошириши мумкин.

Шартнома Риштон ва Богдод паррандачилик фабрикалари асосида йилга 500 минг курна ўстиришни, кейинчалик янги технология асосида бу кўрсаткични икки миллионга етказишни кўзда тутди. Бухоро вилоятида ҳам 2 миллион бош курна ўстириладиган комплекс қуриш режалаштирилган.

А. СОДИКОВ,

Тошкент ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.



Паррандачиликни сановат негизда ривожлантириш, тармоқдаги аҳолини ўнлашга корхоналар ва хўжаликларининг етакчилари муносиб ўлуш қўймоқдалар. Улар технологияни такомиллаштириш, илгор иш усулларини жорий этиш борасида ташаббускорлик кўрсатишапти. Суратларда Каттакўрғон ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Б. Тен (ўнгда) ва Гулистон насли паррандачилик хўжалигининг раҳбари С. Абдуллаевларни кўриб турибсиз.

ТОКАЙГАЧА...

ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ ПАРРАНДАЧИЛИК
ФАБРИКАЛАРИГА СИФАТСИЗ
ОЗУҚА ЕТКАЗИБ БЕРАДИ

«Узптицепром» хўжаликлари орасида озуқа етказиб беришдаги ўзинишлар, унинг сифатсизлигиндан, шартнома-лар тез-тез бузилиб туришдан нолимайдиганлари кам. Бунинг боиси нимада? Томонларнинг фикр-мулоҳазаларига қулоқ солиб кўрайлик.

Э. БЕКИРОВ, дон маҳсулотлари вазирлиги қайта ишлаш сановат бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари:

— Паррандачилик хўжаликлари тўйимли озуқага муҳтож эканлигини биламан. Ҳозир 11 корхона озуқа ишлаб чиқармоқда. Афсуски, улар олиб бораётган эҳтиёжни қондириш имкониятига эга эмас. Айниқса, «Узптицепром» хўжаликларига қийин бўлмоқда.

Қўллаб паррандачилик фабрикалари озуқа заводларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулот таркибиде жуذا зарур модда — протеин камлигидан нолишмоқда. Улар озуқани тўйимли қиладиган тадбирлар қўйишни талаб қилишмоқда. Лекин бизнинг заводларимиз дастлабки хом ашё билан ёмон таъминланган. Масалан, 1990 йили 208 минг тонна ўрнига атиги 10 минг тонна маккажўхори дони олди. Ҳозир аҳоли бундан яхши эмас. Оқсил моддалари, балли кукуни ва бошқа зарур хом ашёлар борасида аҳоли янада ёмон.

С. САЙДАЛИЕВА, Тошкент вилоятидаги Илчи номи ишлаб чиқариш бирлашмаси товухбонари:

— Заводлар юбораётган озуқа тўйимли эмас. Уларда ҳазм бўлмайдиган, гоҳида умуман товухқа зарарли моддалар бор. Озуқа етказиб берувчи заводларнинг ҳам таъини кўп дейишмоқда. Лекин нима бўлганда ҳам шартномани келишилганидек бажариш керак-ку! Сифатсиз маҳсулот етказиб берувчиларга нисбатан қонун кўзда тутган чораларни кўриш фурсати етди, деб ўйлайман.

ЖЎЖАНИ КУЗДА САНАЙДИ

Ҳа, чиндан ҳам «жўжани» кузда санаш, бажарилган ишларини сарҳисоб қилиш зарур. Бокент насли паррандачилик фабрикасида бўлган киши ишбилармонликка дуч келади. 1987 йилнинг апрель ойидан бери маҳсулот ишлаб чиқараётган бу корхонада айни пайтда 33 та товухона ва 2 та цехдан фойдаланилмоқда. 400 нафарга яқин киши меҳнат қилаётган жамоада унумли меҳнат учун шарафот яратилган. Ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик маоши 240 сўмга тўғрйи келмоқда. Қоплама пул эса одадгадигиде 60 сўм эмас, балки сотилётган маҳсулот микродига қараб тўланмоқда. Меҳнат қилаётганларнинг кўпчилиги район хўжаликларидан қатнаётгани учун ҳам уларга иккита автобус ажратилган. Уттиз оилга фабрика яқинидаги посёлкадан уй ажратилган. Ҳар ҳафтада ишчиларга 3 сўм 67 тингидан арзон нархда пархез гўшт сотилади. Кўриниб турибдики, корхонадаги шарафот умуман яқин. Аммо нур борки, соя бор, деганларидек ютуқлар соясиде корхонанинг ўзига яраша муаммолари ҳам қалқиб турибди.

Қурилиш материаллари тақчиллигидан 280 ўринли бола-лар боғчасининг ишга тушири-лиши кечикапти. Бу ўз-ўзидан ишчи-хизматчилар фаолиятига салбий таъсир қилмоқда. Энди корхонанинг икки муаммоларига тўғрйилик: Фабрика ишга туширилгандан бери пархез гўшт топшириш режаси ҳар йили ортинг билан бажариб келинади. Аммо тухум етиштириш йиллик режаси ҳали бирор марта ҳам қўтилгидек бажарилмади. Утган йили давлатга 376 ўринга 682 тонна пархез гўшт сотилган бўлсе, насли тухум топшириш режадиги 12 миллион 200 ўринга 8 миллион 819 минг донгага удалланди, холос. Натикда, ишчи яхши йўлга қўйилганини учун раҳбарият алмашди. Бирок бундай ўзгаришлар жиддий натижа бермади.

— Фабрикада технологиянинг тез-тез бузилиши ҳалал берапти, — дейди корхона директори Қўям Ғуломов. — Бундан ташқари яна тўртта товухона қурилиш пайсалга солинимоқда. Соҳага жиддий муносабатда бўлиш керак. Натикда жуذا суз кўзга ташланмоқда. Ҳар бир жўжа 180 кунда тухумга кирди. 420 кун яшагач, гўштга топширилади.

Ҳа, чиндан ҳам соҳа омил-корликни талаб этаётир. Корхонадаги муаммолар изчил ҳал этилиши зарур.

Ш. РАҲМОНОВА,

ИЗЛАДИ, ТОПДИ

Самарқанд паррандачилик фабрикаси ва вилоят марказидаги «Красный двигатель» заводи ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишди. Завод ёрдамида жумҳуриятимиздаги йирик паррандачилик хўжалиги омборхона биносини қувоқ цехига айлантирди. Қувоқчилар Сервер Давлетов ва Геннадий Понаровский қўян ҳамда дюралюминдан турли деталлар, шу жумладан озуқа тарқатадиган қурilmа учун роликлар тайёрлашмоқда. Шу тариқа эҳтиёт қисмлар тақчиллигига барҳам берилди. Бунинг эвазига бирлашма камида 10 минг сўм тежайди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари тақчиллиги Нукус бройлер фабрикаси ходимларини ишлаб чиқаришни таъмирлаш, маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштириш, унинг сифатини оширишнинг турли йўлларини излашга мажбур қилди. Бу ерда таъмирлаш ва ишлаб чиқаришни янгилаш ишлари бошлаб юборилди. 1991—1992 йилларда парранда гўштидан

колбаса ва консервалар тайёрлаш цехи қурилади. У Голландиянинг «Сторк» ширкати жиҳозлари билан ускуналанади.

Қувасойдаги «СССР 50 йиллиги» номи паррандачилик бирлашмаси озуқа аралаштириладиган идишларни яқин-яқинларгача ўш вилояти Қизилқия шаҳридаги механика заводидан донасини 90 сўмдан сотиб оларди. Қувасойликлар энди бундай идишларни ўзлари ишлаб чиқаришмоқда ва донаси 90 эмас, 51 сўмга тушмоқда.

Зотан, бирлашма механика устaxonаси цехлариде темирчи Болучевский, чилангар Мадмусоев, пайвандчи Маткаримов каби моҳир ишчилар меҳнат қилишмоқда. Бу ерда уч юз хил номдаги турли буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Бирлашма устaxonалар маҳсулотининг ортиқча қисмини турдош корхоналарга сотмоқда. Иш ижара асосида йўлга қўйилган.



СУРАТДА: Қувасой паррандачилик бирлашмаси қошида ташкил этилган ускуналар тайёрлаш устaxonаси вакили А. Болучевский (чапдан учинчи) шартнома тузиш

га келганларга маҳсулотларининг намуналарини кўрсатиб, изоҳ бермоқда.

С. КИРШИН олган суратлар.

ЛОЙИҲА БЎЙИЧА

«Узптицепром» қарамонда етишдиган кўпроқ паррандачилик хўжаликлари бор. Уларнинг аксарияти бирлашма лойиҳа-технология ишлари бўлими билан яқин алоқа ўрнатган. Мутахассисларимиз ишлаб чиқаришни таъмирлаш ва кенгайтириш, янги қурилишни йўлга қўйиш ҳамда бошқа вазифаларни ҳал этишда ёрдам кўрсатишмоқда. Шартнома асосида ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва хўжалик ҳисоби шароитида иш олиб бормоқдамиз.

1990 йили 51 лойиҳа муддатиде ишлаб берилди. Бу йил лойиҳалар сони кам эмас. Уларнинг барчаси тармоқда илмий-техникавий тараққиётни тезлаштириш, иқтисодий мустақамлашга қаратилган. Ҳозир бизнинг лойиҳа бўйича Жиззах ва Нукус бройлер фабрикалари қувватини ошириш тадбирлари қурилмоқда.

С. ВАЙСЕР, «Узптицепром» лойиҳа-технология бўлими бош муҳандиси.

ДАЛИЛ ВА РАҚАМЛАР

● Тухум етиштириш бўйича 21, бройлер ўстириш бўйича 28, наслдор паррандалар етказиб бериш бўйича 20 корхона, паррандачилик хўжаликларини таъмирлаш ва техника жиҳатдан қайта жиҳозлашга ихтисослашган «Узптицестроймонтаж» трести, ихтисослашган монтаж-созлаш бошқармаси, лойиҳа-технология смета бюроси, бошқа бир қатор хизмат идоралари мавжуд. Кўпгина паррандачилик хўжаликлари ёнида емакxонаси бўлган ўз «Парранда» дўконларига эга.

● Кейинги ўн йил ичиде тухум, парранда гўшти етиштириш мутаносиб равишда 3,5 ва 2,2 марта кўпайди. 1990 йили тармоқ қуввати 3,5 миллион бройлер, 50 минг бош товух ва 35 минг бош наслдор паррандага кўпайди. Бу йил ишлаб чиқариш яна 4 миллион бройлерга ва 200 минг бош товухқа ошиши керак.

● Ишни ташкил этиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг илгор усуллари жорий қилинмоқда. Паррандабоқарларнинг 67 фоизи бригада пудрати, 30 фоизи оилавий пудрати асосида ишламоқда. Натикда илгари зарар кўриб келган тармоқ 1990 йили 120 миллион сўм даромад олди. 1991 йили Хоразм, Бухоро, Наманган вилоятларидаги кам даромадли паррандачилик хўжаликлари хусусийлаштирилди. Ҳозир шунга тайёрларлик қурилмоқда.

● Паррандачилик ривожланган мамлакатлар, аввало Голландия ширкатлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Яқинда «Сторк» ширкати шартномага кўра соатига 500 донга ўров материал ишлаб чиқарадиган бир неча қурилма етказиб берди.

ЎЗИНГДА БОР, ЎЗГАДА БОР

Чунки шу йил январдан бошлаб 1 сўм 50 тингидега бўлган овқатлар текнига берилмоқда.

Ёрдамчи хўжаликда 80 бош кўй ҳам боқилмоқда, чўчқачилик фермаси тез ривожланмоқда. Ем-хашак учун фабрикага кенг майдон ажратилган. Чўчаларни боқинида эса паррандачиликдан қолган-қутган маҳсулотлар кўл келмоқда. Парран-

дабоқарлар қўшни Бахмал райони тоғ этакларида асарчиликни ҳам йўлга қўйишди. Мева-сабзавот етиштиришга катта аҳамият берилди. 500 квадрат метр ҳажмдаги иссиқxонада йил бўйи помидор ва бодиринг етиштириш мумкин. Олти гектарлик боғ Шодмон буваининг хайрли иш-

ридан бири сифатида вужудга келтирилди. У ташаббускор бўлиб, шанбайли кунни ўзи сафарбар этган 20 пенисонерга бош-қош бўлди. Икки минг тулға яқин олма, беҳи ва бошқа мевади дарахтлар экилди. Ҳаммаси тутиб кетди. Енма-ён суғориш учун қудуқ қазилди. Кўп ўтмай ниҳоллар ҳосилга кириши аниқ.

Д. КРАУС, Б. РЎСТАМОВ, Ғаллаорол паррандачилик фабрикаси ишчилари.

Ушбу махсус саҳифани жамоатчи муҳбиримиз И. АХМЕТОВ тайёрлади.

ЗАМИН ЗАҲМАТКАШЛАРИ



Иштихон районидаги Элибой Қорабоев номли жамоа ҳўжалиги кўп тармоқли колхозлардан бири саналади. Пахтакорлар, чорвадорлар, сабзавоткорлар ва бошқа тармоқларнинг фидойилари ризқ-рўз яратиб ниятида астойдил тер тўқмоқдалар. Жамоа ҳўжалигида бу йил кўпгина муваффақиятларга эришилди.

— Колхозимиз аъзолари бу йил 2.335 тонна пахта, 460 тонна сут, 125 тонна мева, узум, полиз маҳсулотлари, 170 тонна сабзавот, 88 тонна гўшт ва бошқа ноз-неъматлар етиштириш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар, — дейди Элибой Қорабоев номли жамоа ҳўжалиги бошқаруви

раиси Қурдош Мамасолиев. — Ҳозиргача бир қатор муваффақиятлар кўпга киритилди. Жумладан режадаги 27,7 тонна ўрнига 30 тоннадан зиёд пахта топирилди. Пахтакорлар, соҳибкорлар ҳам қўзғалган марраларини беқим-қўст забот этиш учун барча имкониятларини ишга солмоқдалар. Ҳозирги кунларда маккажўхориининг сўнгги гектарлари ўриб-ёғиб олинмоқда, пахта терими тобора қизилди.

Дарҳақиқат, ҳўжалик далаларида бўлган киши замин заҳматкашлари астойдил тер тўқатганликларига ишонч ҳосил қилади. Масалан, Бойпўлат Мадатов етакчилигидаги бригада мириш-

корлари ўзаро социалистик мусобақанинг олдинги сафларида боришга эришди. Яқинда ўзининг олтинчи йилини нишонлаган Бойпўлат ана деҳқончиликда донг тарағиб, бошқаларга намуна бўлмоқда. Қўчқор ана Мирзофуров ҳам ана шундай заҳматкашлардан бири. У 37 йилдан бери тракторини бошқариб, ўз касбини эътирозсиз келмоқда. Қўчқор ана бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшди. У эрта баҳордан кузгача ғўза қатор ораларига ишлов беришда фидокорлик кўрсатди.

Жамоа ҳўжалигида чорва озуқасини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг учун маккажўхори-

зорлар кенгайтириляпти. Пудрат усули кенг жорий этилаётганлиги туфайли маҳсулот етиштириш ҳажми кўпаймоқда. Абдурахмон Нарзуллаев бошчилигидаги оналирий эвено бу йил 10 гектар ери ижаратга олиб, мўл-қўл ҳосил етиштириб, Ҳозирги кунларда миришкорлар ўрнининг ниҳосига етказилмоқда.

С. ХҲҲАЕВ.

СУРАТЛАРДА: 1. Жамоа ҳўжалигининг моҳир механизатори Қўчқор Мирзофуров. 2. Маккажўхорилик оилавий эвеноси етакчиси Абдурахмон Нарзуллаев.

К. ТУРСУНОВ олган суратлар.



ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

БМТ. Бугун БМТ қароргоҳида журналистлар билан учрашув бўлди. Унда Латвия, Литва ва Эстония раҳбарлари Совет Иттифоқи билан нормал яхши қўшничилик муносабатлари ўрнатишнинг ёндаб тақдирлар. Бу уч давлат яқинда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлиб, Латвия, Литва ва Эстония олий кенгашларининг расмлари Анатолий Горбунов, Витаутас Ландсбергис ва Арнольд Ройтель ҳозирги босқичда СССР билан мавжуд бўлган иқтисодий алоқаларини сақлаш муҳимлигини таъкидладилар.

СТОКГОЛЬМ. Бу ерга амалий таширф буюрган СССР ташқи ишлар вазир Б. Д. Панкин чоршанба кун Риксдаг (парламент) раиси Таге Петерсон ва бош вазир Ингвар Карлссон билан учрашди. Швеция ташқи ишлар вазир Стен Андерссон билан музокара ўтказди. Асосий сўбейи партияларнинг расмлари: холис коалицион партия раиси Карл Бильдт (у ҳозир мамлакат янги ҳукуматини тўзиш билан шуғулланмоқда), марказ партиясининг раиси Улоф Юханссон, христиан демократик жамоатчилик партиясининг раиси Альфо Свенссон, халқ партияси — либераллар раиси Бенгт Вестерберг билан ҳам мулоқотда бўлди.

Дўстона ва амалий тўслаги учрашувлар чоғида Швециядаги барча асосий сўбейи кучлар Совет вазирининг таширфини қўллаб-қувватлаётгани таъкидланди.

БЕЛГРАД. Хорватиянинг танглик юз берган ерларида авж олган куруллой тўқнашувлар чоршанбадан пайшанбага ўтар кечаси аста-секин пасая бошлади.

Таног агентлигининг хабар қилишича, Шибенике (Адриатика соҳили) дагина армия бўлиналари ва Ички ишлар вазирлигининг қисмлари, республика халқ гвардияси ўртасида назар-малар ва бошқа ҳарбий нишпоотлар учун бўлаётган жанглар давом этмоқда. Маҳаллий гарнизон вакилининг гапларида қараганда, ҳарбийлар улар ҳаётига ҳавф солиб ҳужум қилаётган томонга жавобан ўт очишга мажбур бўлишмоқда.

Белград телевидениеси

чоршанбада куннинг иккинчи ярмида Сербия ҳудудий муҳофаа отрядлари Дунай бўйи хорватиясидаги Хорватия бўлиналарининг энг муҳим таъин пунктларидан бири — Сараж қишлоғини назорат остига олганликларини хабар қилди. Улар энди Осиёк шаҳридан аттиги 5 километр масофада туришмоқда.

БЕЛГРАД. «Югославия энди йўқ» ў фақат сўзлагани қолди. 7 октябрь кун Словения билан Хорватия ўз мустақиллигини тасдиқлагандан сўнг мен ўз лавозимидан қўлиш ниятида эмасман», деди ЮСФ расматининг раиси Сипие Месич Испаниянинг «Сер» радиостанцияси мухбири билан сўхбатда.

Таног агентлиги Хорватиянинг ЮСФ Олий Давлат органидаги вакилининг шу гапларини баён этар экан, унинг «Словения ва Хорватия халқлари миёсида танглик тақдирдагина, Югославияга тинчлик қайтиб келиши мумкин», деган сўзларида алоҳида эътибор берган. У шунингдек, Сербия ва Югославия халқ армияси шаънига айтган маълум абларин ҳам тақдорлаб, ўт очини ҳўхатиш бузилавлари учун бутун масўулятни фақат уларнинг зиммасига юклаган.

ВАШИНГТОН. Бугун АҚШ Президенти Жорж Буш Вирлашган Миллатлар Ташкилоти вертолётлари Ироқнинг ядровий нишпоотларини текширишларида Бағдоднинг қаршилиқ кўрсатаётганлиги айтиди ва зарур бўлган тақдирда минтақага вертолётларини кузатиб юриш учун АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари самолётларини юборишни маълум қилди.

«Биз дўқ қилаётганимиз йўқ... Бу ерда гап дўқ-пўқни ҳаққа эмас, балки БМТ резолюцияларини Ироқ томонидан бажарилишига эришиш учун аҳду-паймон қилганлигимиз тўғрисида бор-моқда» — деди журналистларга мамлакат бўйлаб саниф қилаётган ва ҳозир Аризона штатининг Гранд-каньон шаҳрида турган президент.

Президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бў-

йича ёрдамчиси Брент Скоукрот АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари самолёти минтақага олиб борилишини ва улар Ироқ тафтиш ўтказишга ҳалакат берадиган бўлсагина, БМТ вертолётларини кузата бошлашларини айтиди.

СТРАСБУРГ. Бугун Европа саройида парламент демократияси бўйича 3-страсбург конференцияси ўз ишини тутатди. Унда жаҳондаги 60 давлатдан келган неча юзлаб парламент аъзолари қатнашдилар. Ана шу саройида Европадаги 25 давлат парламент маслаҳатлашув органи — Европа кенгаши парламент ассамблеясининг навбатдаги сессияси очилди.


ПАРИЖ. (ТАСС). Покистоннинг сойқ Бош вазири Беназир Бхутто мамлакат ҳўкуматиға мурожаат этиб, «ўзларини Москвадан мустақил деб эълон қилган ўрта Осиёдаги шўро муслмон ҳўкумратларини тан олишга» чакирди. Франс Пресс ахборот бошқармасининг Нарочидан хабар қилишича, у чоршанба кун бу ерда Покистон халқ партияси уюштирган оммавий митинг қатнашчилари ҳўзурда сўзлаган нутқида шундай дедан.

Бхуттонинг фикрича, Исломобод Болтиқбўйи давлатларининг ажралиб чиққанини тан олган экан, бу ҳўкумратларини тан олишга ҳеч нарсаси тўсқинлик қилмайди.

Бхутто бошқа масалаларга тўхталиб, Исломободлар уртасидаги низоларини ҳал қилиш учун, шунингдек «минтақадаги ажабий босқинчиликни даф қилиш» учун муслмонлар армиясини тўзиш ғоясини яна қўллаб-қувватлади.

ПАРИЖ. (ТАСС мухбири Игорь Кулешов). Европа ҳамжамиятлари комиссиясининг раиси Жак Делор Страсбургда Европа парламентининг сессиясида сўзга чиқиб, Совет Иттифоқиға ёрдам тарқасида қамидан икки миллиард долларлик озиқ-овқатни зудлик билан юбориш кераклигини айтиди.

Европа ҳамжамияти иккунья органининг бошлиғи Япония, АҚШ ва Канадаға мурожаат этиб, бу ишда қатнашишға чакирди ва СССРға берилаётган ёрдамнинг 78 фоизи ва техникавий кўмакнинг 80 фоизи шу пайтга қадар Европа ҳамжамиятларига аъзо бўлган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келаётганини таъкидлади. Бундай нисбатни ўзгартириш керак, деб уқтирди Ж. Делор.



Югославияда аҳвол жуда мураккаб қолмоқда. Мамлакатнинг турли жойларида қон тўқилмоқда, ўқ овозлари эшитилиб турибди...

СУРАТДА: Хорватия ва Сербия чегарасининг бутунги кўриниши.

ТАСС олган сурат.

каттаси эди, у ҳам икки марта қатнардн уйига. Ҳорби-чарчаб даладан қайтган, болаларини кўриш учун касалхонаға ошқарди бева аёл. Батъан қоронғи тушмасида деб чопқиллаб кетарди аёл касалхонаға. Қўшни эса юмшоқ ўрнида дават машинасида ястаниб ўтирар, машинанинг тилдиригидан кўтарилган чанг-чуғ айли тўман янглир ўраб олар, юрати бироз гашланса-да, «қўшнимиз» деб беғараз қувонарди аёл уни кўрганда. Аммо катта унинг фахрлиниб «қўшнимиз» дейишга араймади. Кичикнотой оғир аҳволда қолганда қўшнимини қора тортиб мадад кўтиб борди. Аёлининг умиди синди, мартабали қўшнимининг лоялдилигидан. Ўғилчаси ҳаётидан кўз юмган дақиқа унинг умиди чироғи ўчди, ишончи йўқолди, бош қамчи бўлиб ишлатган қўшнимидан.

Саховат жимгина ёш тўқди, бева аёлға қўшилди меҳр-муруват дод солди ўғилчасини қабристонға олиб кетаётганларида. Ҳаммининг қадди дол бўлди, онанинг фарёидидан. Оқибат қўшниминг остонаси баланд уйига қараб қаради разолатини, бахиллигини, очқўзликни.

Шу кун сим-сим ёмғир ёғди. Ёғаверди, эзилб-эзилб ёғаверди ёмғир. Даракларнинг олтин апроқларини ювди томчилар. Хазонларни, ҳатто хас-хашакларни ювди ёмғир. Бугун борлиқ топча-топча бўлди ёмғирдан. Аммо кўзги гуллар ҳомуш бош ёғди хижолатдан. Гулларнинг юзи қизариб кетди. Бугун борлиқни ювган ёмғир гўбдор босган қалблардан ююлмади хижолат.

Олий ҳимматли одам баланд парвозли лочиндир, беҳиммат сиқчон оловчи калхатдир» — дейди улуғларимиз. Саховат бор жойда сахийлик кўкарди. Сахийлик яхшиликнинг доисидир. Ҳиммат эса юраги, тилиги, орзу-ўйлари табиатдан тоза қалблар маҳсули. Ҳиммат соҳиблари қанчалик намояна бўлмасинлар, уларнинг қалблари маънавий хижолатдан юксакда туради. Улар ёмонликни биймайдилар. Улар йиқилганга тирмак алашганга тўғри йўл, бева-бечораларга саховат

АЗАЛИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗ

САХОВАТ

улашувчи буюк кудратдир. Исоф ва Дибнат ияшди ҳимматнинг қабатида. Ишонч, эътиқод йўлини ёритиб туради, ҳимматнинг. Ҳимматнинг даси узун. У эъгуллини, яхшиликни, бирлик ва тенгликни байроқ қилиб кўтарди. самоға. Ўз мафратидан, бойлиғи мансабдан бошқани ўйламайдиган нафе бандаси қабатида саховатли кимсалар беҳад қадрланганлар. Улар машъал янглир қора тўғга еруғлик олиб кирганлар.

Ҳимматли киши ҳеч қачон ўзи тўқ бўлиб, қўшниси оч бўлишига чидай олмайди. Бир майзини қирққа бўлиб ер экан ҳиммат баланд кишилар. Ҳиммат баландлар олижаноб кимсалардир. Олийжаноблик шундай барқарор ҳолатки, ҳис-туйғуларининг энг покизаларини шу ҳолат чўқур ҳис этади. Олийжаноблик самийлик билан эгизакдир. Самийлик қамб бойлиғи, туйғуларнинг мавж-лашишидир у. Шунинг учун ҳам самийликни ва олижаноблик ҳимматли қалбларигагина ошган куради. Қўзи тўқларни кўнгли тўқларга боғлайди ҳимматлилар. Абдий бойлик маҳжум этилар қўзи тўқлар. Қўзи тўқлар саховатнинг ҳўқовларидир. Шундай азиз ва мукаррам туйғулар ошуртаси эдилар раҳматли қўшнимиз Зухро моомиз. Оқила, фозила, меҳнаткаш, саховатли эдилар. Зухро моомиз сўзласалар сўзлар нурға йўғрилиб сеҳрга айланиб чиқарди оғизларидан. Тилларидан бол томарди Зухро моомизининг.

Заковатга йўлдош эдилар Зухро моомиз. Саховатга тўла эди моомизининг юраклари. Ҳимматли эди қалблари. Ҳимматли қалбларига, саховатли юракларига монанд эди, ҳўжаинилар Аббос бобонинг тилаклари, ниятлари. Паҳлавон эдилар эдилар кўнгли кўнгли чўқиб кетар эдилар эдилар тўғи-тош. Кимгадир қўш қиммат тўшувчон халқ қилар эдилар. «оналарнинг пишириб берсин», дей. Яна чарчаб келганларига қарамай қўш-қўшларининг меҳмонга тақдир қилар эдилар. Биз болаларни ҳам азиз меҳмондек кутар эдилар Зухро моомиз.

Аббос бобомиз деҳқон одам эдилар. Ўриннинг олди уларнинг борида пишарди. Бутун қишлоқ болалари ҳар кунни ўрик ейишга борарди, шу хонадонға. Ёши катта болалар дарахтга чиқиб ўрик теришса, биз томға чиқиб маза қилиб ўрикхўрлик қиларди. Аббос бобо билан Зухро моомиз завқланиб кузатардилар бизларни. Бир марта бўлсин улар дилимизни оғритмаганлар. Табиат ҳам уларнинг хонадонидан куту баракани айирмас эди. Уларнинг борида ҳаммиса мева-чева пишиб ётарди. Моомиз невараларини

ридаги ташкилотлар томонидан текширилган.

Аризада кўрсатилшича, колхоз раиси К. Собиров «Жигули» автомашинаси сотиб олган, пишқир ёшдан уй қурган. Текширувда К. Собировга «Жигули» автомашинаси Москва район ижроа қўмитасининг 1990 йил 1 июлдаги фармойишига

асосан қонуний берилгани аниқланди. Ранс пишқир ёшдан ўз сармосига уй қурганини тўғри. У колхоздан қурилиш материаллари олмаган.

О. Ўсаров томонидан прокуратураға берилган маълумотда К. Собиров ҳўжиясини колхоз ҳисобидан асфальт қилидирганлиги, ҳўжаликка тегишли олардан бир бошини ўзлаштирилганлиги кўрсатилганлиги.

Ушбу факт юзасидан район прокуратураси 1990 йил 29 декабрь кунини жиноят иш қўзғатиб тергов олиб борганида К. Собиров томонидан колхознинг 541 сўмили асфальт ҳўжиясини бостирилганлиги аниқланди. Отни ўзлаштирилганлиги ҳақидаги факт эса тасдиқланмаган. Ранс асфальт қийматини колхоз кассасига тўлиқ тўлаган.

К. Собиров депутат бўлганлиги сабабли уни жиноий жавобгарликка тортишлик учун розилик беришни халқ депутатлари вилоят Кенга-

шидан сўралган. Район прокуратурининг бу сўрови халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан 1991 йил 29 май куни рад этилган.

Шунга асосан жиноят ишини 1991 йилнинг 30 майида қарамадан ёқтириш ҳақида қарор қабул қилинган.

Вилоят прокуратурасининг топиригига асосан, вилоят агросаноат комитети 1991 йил 10 августидан бошдаб «Октябрь» колхозининг 1990 йил ва амалдаги йилнинг 6 ойи юзасидан ҳўжалик-моллийвий фаолияти бўйича тафтиш олиб бормоқда.

А. ҚОДИРОВА.

«Қишлоқ ҳақиқати»га

жавоб беришди

ҲАҚ ҚАРОР ТОПАДИ

Вилоят прокуратураси «Қишлоқ ҳақиқати» рўномасига мурожаат этган фуқаролар О. Ўсаров ва Ю. Шамсидиновларнинг Москва районидagi «Октябрь» колхоз правлениесини раиси К. Собировнинг қонунига хатти-ҳаракатлари устидан ёзган аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади:


Фуқаро О. Ўсаров рўномасида юрбган шикоят аризасида қўрсатилган фактларни Андижон вилоят пар-

тия қўмитасига, вилоят Кенгашиға, агросаноат қўмитасига ва прокуратурасига ҳам ёзиб берган. Ушга ариза юқо-

Қўллов

Изланувчан шоир, иқтидорли журналист Абдухалил Қорабоев элик ёшга тулди. У Андижон вилояти Хўжабод районидagi Қўлла қишлоғида туғилган. Тошкент давлат дорилфунунида олий маълумот олганидан сўнг «Шоғли меҳнат», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаларида, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлимида ишлади. Ун икки йилдан ортиқ вақтдан бери эса «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасининг Андижон ва Наманган вилоятлари бўйича мухбири сифатида деҳқон чорвалдорлар, бунёдкор ва зиёлиларнинг орзу нитилларини, муаммоларини қаламга олиб, уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб келмоқда. Унинг очерклари, туркум мақолалари муштарийлар томонидан севиб ўқилади ва жамоатчиликнинг эътиборини қозонмоқда.

Абдухалил Қорабоев ижодида шеърят алоҳида ўрин тутди. Унинг «Қўлларингда қуёшча ўт», «Жилгалар қўшиғи» сингари тўпламлари ва бошқа асарлари китобхоналарга яхши таниш. Қирғиз, озарбайжон, қорақалпоқ, болгар шоирлари ижодини ўзбек ўқувчиларига етказишга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.



«Қишлоқ ҳақиқати» тахририяти, бутун ижодий жамоаси камтар қаламкаш Абдухалил Қорабоевнинг ярим асрлик қўллуғи ёши билан муборакбод этиб, унга сиҳат-саломатлик, янги ижодий муваффақиятлар тилайди. Қўйда муштарийлар эътиборига шoir ижодидан намуналар ҳавола этилмоқда.

Ҳар нарсаси бордир бир сабаб,
Хитобдан йиртилди бўғимиз.
Қўллар қилиб вожаб... энди,
Тинмай қарсак чалар оғзимиз.

Қўллов

Йиллар ўтиб кетар,
Мен ҳам ўтарман.
Ана, остопада ҳўрсинди руҳим.
Уни қўриб қолдим юз йилдан кейин,
Уни қўриб қолдим бугунги оҳим.
Йиллар ўтаверар,
Авлодлар ўтар.
Айлар айланар гўжорлаб,
Юз йил ўтиб бўпти. Ана, руҳим ҳам.
Турбиди кўксини гўжорлаб.

Қўллов

Сен менга бунақа қарам,
Бағримга тикондан санчилди.
Ўзининг нурларига ўрнам,
Янгилиб, янгилиб янчилдим.
Сен менга бунақа қарам,
Ўз дарадм ўзимга етди.
Аслида туғган юрагим.
Бир титраб, сўнг ташлаб кетди.
Сен менга бунақа қарам,
Чарчадим шу ўлик кўзлардан.
Кўй, ҳадеб қолдим сўрама,
Кўн бўлдим бу ёлгон сўзлардан.
Сен менга бунақа қарам,
Мен ёлғиз яшашни истайман.
Одамдод обғи етмаган
Жойлардан бир панжар излайман.

Қўллов

Ҳайти, курашсиз бирор бир дам йўқ,
Қўқинмай, адашмай қадам йўқ,
Мағлублик аламини чекса ҳам ҳатто,
Рақибдан енгилдим, деган одам йўқ.

Тош асрининг паймони тўлиб,
Нафаслари қисди, бўғилди.
Қаранг, унга набира бўлиб,
Тош одамлар асри туғилди.

Оламин сув босса нисмон топилар,
Ўт кетса ўчирин йўл ҳам бордир.
Бирок бу дунёни бағ босса агар,
Ер нима, кўзларга осмон ҳам тордир.

Тоғ отмоқда осуда ва жим.
Еруғилдан қочмоқда рўё,
Кўзин очди не бахт, азизим,
Мен излаган чақалоқ дунё.

Абдухалил ҚОРАБОЕВ.

Тўлқинчи

БЕРМАСНИНГ ОШИ ПИШМАС

Тепага чиқиш осонми, пастга тушишми? Туядан шунга сўрашганда «Йиқови ҳам бир гўр» деган экан. Албатта, бу бир афсона. Чунки туя жониворга тил-забон битмаган — гапиролмайди. Лекин э-ҳуши бутун, тилу забони баъзи мутасаддиқларнинг ланжиги, совуққонлигини қандай баҳолашга ҳам ҳайронсан, киши. Кунинг бировга қолмасин экан, Сарсонлик жонидан ўтди. Нима учун бундай дейман? Ҳаммасини бир бошдан гапириб берай. Хулосани қадри муштарийларнинг ўзлари чиқаришар.

Биз турмуш ўртоғим, ёш болаларим билан Ғўзор район, Ёркин кўчасидаги 41-уйда истиқомат қиламиз. Касбимиз ўқитувчи. Ўн саккиз йилдан бери ёш авлодга таълим-тарбия бериб келаямиз. Инсон ҳамиша орзу билан яшайди, яхши кунларга нитилади. Акс ҳолда ҳаётнинг қизғин ҳам бўлмас эди. Бир неча йил муқаддам «Нигули» автомашинаси сўраб, район ижроия комитетига ариза бергандим. Бу орада қатнай қатнай неча на-

лишни йиртганим ўзимга аён. Ҳар борганимда ваъдани қўқиб қилиб, саллиққина кузатиб қўйишди. Сабр қилсанг, ғўрадан ҳолва би-таркан. Ниҳоят, 1990 йилда навбатим келганини, йил охиригача машинали бўлишганини айтишди. Ўшанда сўнгганимизни кўрсатди эди. Лекин бу узоққа чўзилмади. Алдовнинг тўғрига илганимни кейин билдим.

Районроққўм раиси П. Мирзаев ҳўзурига кирсам, «машина келмапти» дейди. Бўлмаган гап! Ёштитишга қараганда, ўтган йили районга 150 та машина ажратилган. Лекин улар кимга, қандай бахтиёр кишиларга насиб этганини менга қоронғу. Ҳар қалай мушук текинга офтобга чиқмаса керак. Ўл қинғирлик содир бўлаётганини қўриб-билиб турибди. Бунинг уволи бир кун тутиши аниқ. Туриб-туриб ҳайрон бўласан: бели бакуват бўлгачлар йилига машина алмаштиради. Нима, уларнинг шахсий заводи борми? Бизга ўхшаган бевабечоралар эса ўзига ажратилган қонуний машинани

ҳам ололмай гирён. Қани адолат? Олдий меҳнатқашнинг ҳақ-хўққларини ким ҳимоя қилади?

Мен районда содир бўлаётган ноҳақликлардан норози бўлиб, вилоят ижроия комитетига, республикадаги юқори ташкилотларга бир неча бор мурожаат қилдим. Лекин баған ариза-шўқотларим сувага отилган тошдек исиз кетаётди. Нар боса, «тенгириш ва ҳал этиш учун» яна райнроққўмнинг ўзига қайтариб юборилапти. Бунга қандай тушуниш керак? Ким ўз аёбини ўзи очибдики, ғўзорлик мутасаддилар очиса?

Ҳўрматли муҳаррират! Ўшбу мактубни сизларга умид билан йўллаётиман. Илоҳи бўлса, уни рўзномангизда чоп эттириб, талабимизни қондиришга ёрдам кўрсатсангиз. Саргардонлик қачонгача? Бизнинг арз-доқимизни тинглайдиган, маффағимизни ёқлайдиган валломат борми-йўқми? Бўлса, марҳамат, майдонга чиқсин.

Д. МАНСУРОВА.

КИМ ҲАҚ?

Ассалому алайкум, ҳўрматли «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномаси ходимлари! Маълум ки, жумҳуриятимиз раҳбарияти халқимиз фаровон турмуш кечиршини назарда тутиб, қатор фармон ва қарорлар қабул қилишди. Айниқса, қишлоқ меҳнатқашларига уй-жой қўриш, томонра учун ер ажратиш тўғрисидаги фармон бизни беҳад қувонтирган эди. Мен отамнинг ҳўлисиди, тор ҳонадонда қисиниб-қимтиниб яшайётган эдим. Уч нафар фарзандим бор. Ана шу фармондан сўнг қолқозимиз маъмурияти одамларга 15 сотихдан ер ажратишга қарор қилди.

Лекин ўлқовчилар ҳамма ҳам 15 сотихдан ер беришгани йўқ. Кимга 20, кимга 25, яна кимгадир 10

сотихдан тақсимлашди. Бизга ўхшаган «мўм» қолқозчилар эса талашиб-тортишиб 10 сотихдан ер олишди. Ёнди уй қўрсам ошқонга жой йўқ. Аҳволимиз тасаввур қилиш қийин эмас. Мен раҳбарлардан: «нега бировларга 25 сотих, бировларга эса 10 сотихдан томонра берилапти?» деб сўрасам, улар: «Ихтиёр бизда, кимга қанча ер берсак, бераверамизда», — деб жавоб беришди.

Ҳўрматли редакция ходимлари, шу адолатданми? «Қишлоқ ҳақиқати» масалани обдинлаштиришда бизга ёрдам беради, деб умид қиламан.

М. НОРМАМАТОВ,
Хатирин райондаги Кўй-бишев номли жамоа хўжалиги аъзоси.



— Қўйил, ситир жонивор йилтиллаб кетибди-я.
— Раис буванкида, биродар.



Келин-кечак далада, эркаклари бозорда...
Ш. СУБХОНОВ чизган расмлар.

МАСАЛ

— Вой бечора-ей, бунча қисқа умр кўрасан-а? — дедилди Шамга аҳиниб.
— Қисматимдан афсусланмайман, — деди Шам.
— Чунки ҳаёда ёниб яшайман.

— Бўриной, бу дейман, кўрага тушмай қўйдингми? — сўради ҳайвонлар.

— Э, қўйлар одамларнинг ўзларидан ортамангиз, — деди Шам афсусланиб.
— Менга йўл бўлсин...

— Сенга ҳавасин келадди, чунки энг кўп умр кўрасан, — деди Олма дарахти Чинорга.

— Армонини ундан ҳам кўп, — уф тортибди Чинор.
— Қани энди, мен ҳам сендек мева берсам, шўпайиб яшагучча...

Н. ЯХЕЕВ.

Мих Омбурга зорланб деди:
— Вой, мучча бединини қаттиқ тишламасанг, жоним чиқиб кетди-ку, ахир!

— Тўғри йўлга юрмаганнинг жазоси шу, бединини? — деди Омбур ва Михнинг бедини янада қаттиқроқ қисди.

— Истасанг-истамасанг меҳи кўтариб юришга мажбурсан, — деб мактанди Та-на Оёққа.
— Гапнинг тўғри, — деди Оёқ. — Лекин менсиз ҳеч бир кераксиз бўлиб қол-шинг аниқ.

— Нима учун одамлар кўпроқ менга эмас, сизларга ҳавас қилишади? — деб сўради Ой юлдузлардан.

— Чунки биз ҳар доим одамлар билан сирлашамиз. Сен эса ўн беш кун кўриниб, ўн беш кун йўқ бўлиб кетсан.

У. ҚИЛИЧЕВ.

Муҳаррир

Н. ЕҚУБОВ.

Реклама ва эълонлар



АГАР СИЗ ТУРАР ЖОЙИНГИЗНИ
ЎЗГАРТИРГАН БЎЛСАНГИЗ, ПУЛИНГИЗНИ
ЎЗ ҲИСОБ СЎТИНГИЗДАН ОЛИШГА
ШОШИЛМАНГ

Сиз СССР Жамғарма банкнинг хоҳлаган муассасасига жамғармангизни бошқа жойга ўтказиш, жамғармангиз бўйича ҳисоб сўтингизга ёзиш учун ёни ўтказилган пулни тўлаш учун тошириқ беришингиз мумкин.

Ҳоҳишингизга кўра, жамғармангизнинг ҳаммасини ёки бир қисmini бошқа жойга ўтказиш мумкин ва шунингдек нафд пулни СССР Жамғарма банкнинг бошқа шаҳарлар ва ноҳиялардаги бўлимларида тўлаш мумкин.

Сиз омонатингиз кўчириб ўтказилгунга қадар телеграф орқали тасдиқлангандан кейин ҳам ўз пулингизни олишингиз мумкин ва шунингдек, омонатингизни телеграф орқали ҳам кўчириб ўтказишни талаб қилиб олишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА
ЖАМҒАРМА БАНКИ

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ПАХТА ТЕРИШ УЧУН ТУВДАН ЯНГИЛАНГАН ТЕРИМ МАШИНАЛАРИНИ ВА ҲОСИЛНИНГ ЕРГА ТУКИЛИВ ҚОЛГАН ҚИСМИНИ ТЕРИБ ОЛИШ УЧУН САМАРАЛИ МОСЛАМАЛАРНИ ЯРАТИШ БОРАСИДАГИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ВА СИНОВ-КОНСТРУКТОРЛИК ИШЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ВА ВУЙЛАДАГИ САЪЯ-ҲАРАКАТЛАРНИ БИРЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ҲАР ЙИЛИ ЯНГИ ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ ВА МОСЛАМАЛАРИНИНГ

КОМИССИОН (аниқлағич воситасида) ТЕКШИРУВИ ЎТКАЗИЛАДИ.

1991 йилги ҳосил йиғим-терими мавсумида янги техниканинг комиссияси текшируви «СРЕДАЗСЕЛЬХОЗМЕХАНИЗАЦИЯ» (САИМЭ) илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба хўжалиги далаларида ўтказилади.

25 сентябрдан 10 октябргача пахта толасини тўза туларидан териб олишга мўлжалланган машина ва қурilmalar 15 октябрдан 30 октябргача эса пахтани ердан териб оладиган машиналар, қурilmalar ва ишчи органлар синовдан ўтказилади.

Ўз машиналари ва қурilmalarини синовдан ўтказмоқчи бўлган бажарувчи-ташкilotлар, ихтирочилар, кашфиётчилар ва ҳўқазолар, шунингдек, хўсуий шахслар ва уларнинг гуруҳлари бу ҳақда олдиндан қўйдаги манзилда жойлашган «СРЕДАЗСЕЛЬХОЗМЕХАНИЗАЦИЯ» илмий-тадқиқот бирлашмасига хабар беришлари лозим: 702841, Тошкент вилояти, Янгийўл району, 1-Гулбаҳор алоча бўлими, САИМЭ ёки 700007, Тошкент шаҳри, ГСП, Ново-Ульяновская кўчаси, 210-уй, Пахтачилик машиналари бўйича Давлат ихтисослашган конструкторлик бюросига — тавсия этилган ишланмаларни комиссия текширувдан ўтказилгандан қўрилмалар қаторига киритиш учун.

Синовларда қатнашмиш тўғрисидаги талабномалар 24 сентябрдан кечиктирмай расмийлаштирилади.

Тажриба машиналари ва қурilmalarни талабнома қабул қилиб олингандан кейин юқорида кўрсатилган муддатларга етказиб келиниши зарур. Ётақчи олимлар, синовчилар, муҳандис-техник ходимлар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа ташкilotларнинг мутахассислари, шунингдек, янги пахта терим машиналарини ишлаб чиқиш муаммолари билан қизиқувчи ихтирочилар ва кашфиётчилар синовларда иштирок этиш учун тақлиф қилинади.

Ҳўқовчилар қўйдаги телефонлар орқали қўшимча маълумот олишлари мумкин: Янгийўл шаҳрида — 7-39-40, Гулбаҳор посёлкасига — 76-549, 76-233; Тошкент шаҳрида 67-68-00. Давлат ихтисослашган конструкторлик бюроси.

ХАЛҚЛАР ДўСТИЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ АГРАР ДОРИЛФУНУНИ

1991—1992 йилги йили учун
КУНДЎЗГИ ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига СССР Қуролли Кучлари сафларидан захирага бўшатирилган, биргина хўжаликдан на-миде инки йил меҳнат стажига эга бўлган илгор қолқозчилар, ишчилар ҳамда ўқув ишлаб чиқариш бригадаларининг аъзолари бўлган умумий таълим мактабларининг битирувчилари хўжаликлар йўлнамаси билан қабул қилинади. Бухгалтерия ҳисоби, контроль ва хўжалик фаолиятининг таҳлили бўйича мутахассислар тайёр-лайдиган қўлланмага эса ҳисоб ва контроль ишларида банд бўлиб, намида 2 йил шу соҳада меҳнат қилганлар қабул қилинади.

Дорилфунун қўйдаги соҳалар бўйича: агрохмия ва тулпроқчилик, агрономия (селекция ва уруғчилик), мева-сабзавотчилик ва узумчилик, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ипакчилик, зоотехника, ўрмон ва бог-қўнамазор-лаштириш хўжалиги, агросаноат комплекслари тармоқ-ларини бошқариш ва унинг иқтисоди, бухгалтерия ҳисоби, контроль ва хўжалик фаолиятининг таҳлили бўйича му-тахассислар тайёрланади.

Тайёрлов бўлимига кирувчилар ректор номига ариза, иш жойидан йўлланма, ўрта маълумотли ҳақида хўж-жат (асл нусхаси), 8 донга фотосурат (3×4 см.), меди-цина справкиси (0—86. шаклда) меҳнат дафтарчасидан қўчирмини тақдим этади.

Агрономия мутахассислигига кирувчилар билан био-логия ва кимёдан, иқтисод, ўрмон ва бог-қўнамазор-лаштириш хўжалиги мутахассислигига кирувчилар бил-лан биология ва математикадан суҳбат ўтказилади.

Ўқитиш муддати 8 ой.

Хўжжатар: 1 октябрдан 10 ноябргача қабул қили-нади.

Суҳбатлар 15 ноябрдан 25 ноябргача ўтказилади. Тингловчилар сафига қабул қилиш 25 ноябрдан 30 ноябргача ўтказилади.

МАШГУЛОТЛАР 1 ДЕКАБРДАН БОШЛАНДИ.

Кундузги тайёрлов бўлими битириш имтиҳонларини муваффақиятли тоширган тингловчилар дорилфунун-нинг кундузги бўлими 1 курсига умумий тақлиф орқа-ли қабул қилинади. Манзилимиз: 700183, Тошкент шаҳри — 183. Телефон: 63-75-00.

Ойнаи жаҳонда

21 СЕНТЯБРЬ, ШАНБА

● ҲТВ I
8.00 «АССАЛОМУ АЛАЙКУМ».
9.00 «МАТОНАТИЛ КИШИ-ЛАР». Бадий фильм. 1-се-рия.
10.20 «ЎЗБЕКИСТОН СПОР-ТИ».
11.00 «АНЪАНА ВА ЗАМОН».
11.50 АРАБ ТИЛИ. 13-машғулот [такор].
12.20 «ШАШМАҚОМ» ва «ШЕР-ДО» дасталарининг концер-ти [Самарқанд ноҳияси].
13.10 «ЧОРВАДОР».
13.40 У-ШУ САНЪДА. Мам-лакат чемпионати.

14.20 АМАЛИЯ ДАВРА СУХБА-ТИ.
18.00 «Комнотдан келганлар».
Мультифильм. 2-фильм.
18.15 Ўқитувчилар учун. «ТЕНГ-ДОШЛАР».
19.00 ЎЗБЕК ТИЛИНИ УРГА-НАМИЗ.
19.30 «АХБОРОТ» [рус тилида].
19.45 ОҚШОМ ЭРТАКЛАРИ.
20.00 «НАВОИЯ СИЯМОСИ ТАСВИРИЯ САНЪАДА».
20.30 «ДИЛҚАШ ДУТОРИМ».
Ўзбекистон халқ артисти Орфий Қосимов.
21.00 «ХАФТАНОМА».
22.00 Санда Аҳмад. «ФАРМОН».

БИБИ АРАЗЛАДИ. Аббор Ҳидоятлов номидagi Ўзбек драма театрининг спектакли.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тар-тиби.
● ҲТВ II
Ўзбекистон телевидениесининг «ДўСТИЛИ» видеоаналли
9.00 «ЦИРК! ЦИРК! ЦИРК!».
11.00 «МАҲОРАТ».
12.20 ТУРКМАНИСТОН ТЕЛЕ-ВИДИЕСИНИНГ КўРСА-ТУВЛАРИ.
13.20 ТЕЛЕВИЗИОН МИНИА-ТЮРАЛАР ТЕАТРИ.
АШХОБОД КўРСАТАДИ:
17.05 «Оваз»: Мусийкий кўрс-тув.
18.25 «Шадиан бидие».
19.25 «Мақтубларингизга жа-воб берамиз».

19.55 «ТУРКМАНИСТОН».
20.10 Кичиктоилар, сизлар учун.
20.30 Москва. ИНФОРМАЦИ-ОН ПРОГРАММА.
21.10 «ТУРКМАНИСТОН».
21.30 1991 ЙИЛ ҲОСИЛИ.
«Омад сизга, пахтакорлар!».
21.45 «АЛИБОВО ВА ҚИРҚ ҚА-РОҚЧНИНГ САРГУЗАШТ-ЛАРИ». Бадий фильм 1 ва 2-сериялар.
● МТ—ОРБИТА-4
6.00 Марина Капуро куйлайди.
6.25 «СЕРГАРЛАР МАКТА-БИ». Хўжжатарли фильм.
6.45 «Қаттиқ ёнғор ҳақида эр-так», «Ёгор бобонинг эртак-лари». Мультифильмлар.
7.15 «Мамгуликка айлانган лаҳзалар».
7.30 Ритмик гимнастика.
8.00 ТСН.

8.15 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
8.45 А. Островский. «ОЛ-МОНИНГ БЕРМОҒИ БОР». ССР Иттифоқи Давлат Ма-лий академик театрининг фильм-спектакли.
10.55 ТОНГИ ДАМ ОЛИШ КўРСАТУВИ.
11.25 «МУЪЖИЗАСИЗ МУЪЖИ-ЗАЛАР».
12.10 «МУСИҚИЙ ДУКОН».
12.40 «ЧОЙНАКНИНГ САВОЛ-ЛАРИ». Телевизион хўжжатар-ли фильм премьераси.
13.00 Режиссёр М. Захаров фильмлари. «МУҲАББАТ ФОРМУЛАСИ» [«Мос-фильм»].
14.30 ТСН.
14.45 «НУҚТАИ НАЗАР». «Пуб-лицист» студиясининг муво-зара клуби.

15.30 Эртанглар ва саргузашт-лар оламиди. «САДҚО», Ба-дий фильм [«Мосфильм»].
17.10 «МОСКВА КРЕМЛИ».
«КУШКЛАР». 3-фильм.
17.40 «Майя ариси». Кўп се-риали мультифильм пре-мьераси. 13-серия.
18.05 «1991 йил қўшиқлари».
19.00 МТ экрандада биринчи марта. «ЛОРА ДУНН». Ба-дий фильм [Буюк Брита-ния].
20.30 ИНФОРМАЦИОН ПРО-ГРАММА.
21.40 «БАХТИЛИ ТАСОДИФ». Онлайв телевикторина.
22.10 «Екмас», ўқибди қўйинг.
23.15 «Спортмода-91».
00.40 «ЎЗ ХИСОБИДАН ОТ-ПУСКА». Телевизион бадий фильм. 2-серия.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕ-КИСТОН ҚИШЛОҚ ХўЖА-ЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗ ПЛОДООВОШЧВИНПРОМ» КОНЦЕРНИ. «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ЖУРНА-ЛИСТЛАРИ ЖАМОАСИ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

32-56-22. Совет қурилиши бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ-қурилиши бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Бозорчилик бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.